



MILLIY TIKLANISH

15 (336)

2015 йил 15 апрель, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Пленумда ЎзМТДП сайловолди
Платформасини амалга ошириш
масаласи муҳокама этилди

ЎзМТДП Қорақалпоғистон
Республикасининг ташкилотларига 150 дан
ортиқ мурожаат келиб тушди

Депутатлар ва бошланғич партия
ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни
янада кучайтиришга эътибор қаратилмоқда

Муносабат

Мамлакатимиз миллий манфаатлари

уни ҳимоя қилишга
барчамиз масъулмиз

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов-
нинг Ўзбекистон Республикаси Президен-
ти лавозимига киришиш тантанали
маросимига бағишланган Олий Мажлис
палаталарининг қўшма мажлисидаги
нутқи нафақат залда йиғилган депу-
татлар, балки ҳар бир Ўзбекистон
фуқаросини янада руҳлантирди, десак
муболага бўлмайд.

Тарихан қисқа давр ичида Юртбошимиз раҳ-
намолигида мамлакатимизда амалга оширил-
ган кенг қўламли ислохотлар — иқтисодий
ривожлантириш, ҳаётимизни демократлашти-
риш, тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш бо-
расидаги изчил ва оқилона сиёсат ҳар бир юртдо-
шимизга гурур ва ифтихор, кўнгил хотиржамли-
гини бағишлайди. Зеро, бугун жаҳон ҳамжамия-
ти Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг асоси-
ни тинчликпарвар ғоя, давлатлараро ва миллат-
лараро тотувлик, минтақа ва дунёда ҳавфсизлик
ҳамда барқарорликни таъминлаш каби эзгу мақ-
садлар ташкил этишини яхши билади.

Давлатимиз раҳбарининг турли нуфузли
минбарлардан Марказий Осиёда тинчликни
сақлаш, бу минтақани барқарор ҳавфсиз ҳудуд-
га айлантириш, халқаро терроризм, диний эк-
стремизм ва фундаментализм, гиёҳвандлик,
минтақавий можаролар, миллатлараро зидди-
ятлар, экологик муаммоларга қарши кураш
борасида илгари сурган ташаббуслари бугун
дунё миқёсида қўллаб-қувватланиб, ҳаётга
татбиқ этишининг энг мақбул йўли сифатида
эътироф этилмоқда.

> 2-бет.

ЎзМТДП ҳаёти



Сайловолди ваъдаларни амалга ошириш

ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш
фаолиятимизнинг бош мезонига
айланиши лозим

14 апрель кuni пойтахтимизда
Ўзбекистон "Миллий тикланиш"
демократик партияси Марказий кен-
гашининг III Пленуми бўлиб ўтди.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий
Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия
фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Рес-
публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ де-
путатлари маҳаллий кенгашларга партия-
дан сайланган депутатлар, партия фаолла-
ри ҳамда оммавий ахборот воситалари ва-
киллари иштирок этди.

Пленумда мамлакатимизда яқинда бўлиб
ўтган сайловда ЎзМТДПнинг иштироки,

ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги фракцияси олди-
да турган долзарб вазифалар, партия сай-
ловолди Платформасини амалга ошириш
масалалари атрофлича муҳокама қилиниб,
партия фаолияти танқидий таҳлил этилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши
раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-
даги партия фракцияси раҳбари Сарвар Ота-
муратов маъруза қилди.

— Партияимизнинг бугунги Пленуми мам-
лакатимиз сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий
жиҳатдан ўз тараққиётининг янги босқичига
қадам қўйган бир даврда ўтмоқда. Ислам
Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Пре-
зиденти лавозимига киришиш тантанали
маросимига бағишланган Олий Мажлис па-

латаларининг қўшма мажлисидаги нут-
қида Ватанимизнинг сиёсий, иқтисоди-
дий, ижтимоий ва маънавий-маърифий
тараққиёт борасида қўлга киритган ул-
кан ютуқлари ҳамда олдимизда турган
долзарб вазифалар белгилаб берилди.
Президентимиз маърузасида эришаёт-
ган юксак марра ва ютуқларимизга биз
танлаган ва дунёда "Ўзбек модели" деб
ном олган машҳур беш тамойил асосий
омил ва мезон бўлаётганини таъкид-
ланди. Бу модел Ўзбекистонга хос бўлган
турли табиий, тарихий, миллий,
демографик хусусиятларни ўз ичига қам-
раб олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

> 2-бет.

Партия ва электорат

Маданий мерос объектлари муҳофазаси

доимий диққат-эътиборимизда

"Milliy tiklanish" gazetasi 8 апрель сониди "Электорат минбари"
руқни остидаги мулоҳаза ЎзМТДП фаолларини бефарқ қолдиргани йўқ.
Мақолада партияимиз электорати вакили Шерзод Мадримов тарихий
обидалар, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, юртимиз шаҳарларининг
тарихий қиёфасини сақлаб қолиш борасида партияимиз томонидан амалга
оширилаётган ишларга ўз мулоҳазаларини билдирган.

Бу масала бундан кейин ҳам партия-
нинг барча даражадаги ташкилотлари
ва депутатлик бирлашмалари эътибори-
да бўлиши лозимлигини қайд этган.
Энг аввало, шуни айтмоқчимизки, элек-
торатимиз вакилининг партияимиз фао-
лиятини мунтазам кузатиб бораётгани,
фурат толиб ўз фикр-мулоҳазасини
билдираётгани эътиборга молик.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Миллий
тикланиш" демократик партияси мил-
лий-маънавий тикланиш жараёнида
ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,
унда фаол иштирок этиш, юртимизнинг
маданий ёдгорликларини, тарихий
қиёфасини муҳофаза қилиш, тарихий
иншоотлар ва меъморий ёдгорликлар-
ни сақлаш тарафдоридир. ЎзМТДП
Марказий кенгаши томонидан мамла-
катимиздаги мавжуд маданий мерос
объектларининг муҳофаза этилиши ва
улардан фойдаланишнинг аҳоли тўғри-
сидаги маълумотлар мунтазам таҳлил
қилиб борилади. Партиянинг Устави ва
Дастурида белгиланган вазифалардан
келиб чиқиб, ўтган даврда халқимиз-
нинг миллий ўзлигини англаш туйғусини
юксалтириш, бой тарихимиз ва мада-
нийтимиз, маданий ёдгорликларни пух-

та ўрганиш, қадриятларимизни асраб-
авайлашни ёшлар онгига чуқур сингди-
риш борасида аниқ мақсадга қаратил-
ган фаолият олиб борилмоқда.

Партиядан сайланган депутатлар
"Маданий мерос объектларини муҳо-
фаза қилиш ва улардан фойдаланиш
тўғрисида"ги Ўзбекистон Республика-
си қонуни ижроси бўйича назорат-таҳ-
лил фаолиятини амалга оширмоқда.
Уларда соҳанинг ҳуқуқий асосларини
муштахкамлаш, ёдгорликларни асраб-
авайлаш, таъмирлаш, бошқарув-таш-
килий асослари, молиявий таъминоти,
моддий-техник базасини яхшилаш ма-
салалари муҳокама этилмоқда. Худуд-
ларда маданий мерос объектларини
муҳофаза қилиш ва улардан фойдала-
нишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини
таъминлаш ва такомиллаштириш, таш-
килий-бошқарув фаолиятини янада му-
каммаллаштириш, маданий мерос
объектларини хатловдан ўтказиш ва
сақлаш бўйича белгиланган вазифа-
ларнинг ўз вақтида бажарилишини таъ-
минлаш, дастурлар ижроси бўйича тақ-
лиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўтган йили халқ депутатлари Жиззах
вилоят кенгашидаги партия гуруҳи "Ви-

лоятда маданий мерос объектларининг
муҳофаза этилиши ва улардан фойда-
ланишнинг аҳоли" тўғрисида, халқ де-
путатлари Бухоро вилоят кенгашидаги
партия гуруҳи халқ депутатлари вилоят
кенгашининг "Туризм тўғрисида"ги Ўзбе-
кистон Республикаси қонуни талаб-
ларидан келиб чиқиб, вилоятда туризм ва
сервиси ривожлантириш, бу соҳада
юзга келаётган муаммоларни бартар-
аф этиш борасида олиб борилаётган
ишларнинг самарадорлиги тўғрисида"
— қарори ижроси ҳақида"ги ҳамда "Ма-
даний мерос объектларини муҳофаза
қилиш ва улардан фойдаланиш тўғри-
сида"ги ташаббус-масалаларни маҳал-
лий кенгаш сессиялари кун тартибига
киритиб, қарор қабул қилинишига эриш-
ди. Айни кунларда Қорақалпоғистон Рес-
публикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депу-
татлари Наманган, Қашқадарё вилоят
кенгашидаги партия гуруҳлари ҳам ушбу
масалаларни сессия кун тартибига олиб
чиқиш юзасидан чора-тадбирларни
амалга оширмоқда.

Электратимиз вакили ўз мулоҳаза-
сида билдирганидек, тарихий обида-
лар, меъморий ёдгорликларни асраб-
авайлаш билан боғлиқ масалалар партия
сайловолди Платформасидаги асосий
мақсад-вазифалардан бири саналиб,
келгусида ҳам партиянинг барча дара-
жадаги ташкилотлари ва депутатлик бир-
лашмалари диққат-эътиборида бўлади.

Илҳом РАСУЛОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ижроия қўмитаси девони бош
мутахассиси

Депутат сўров киритди

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-
ришда сиёсий партияларнинг роли тобора муштахкамла-
ниб бораётган бугунги кунда партия гуруҳлари зиммасида-
ги масъулият ҳам ошмоқда. Шу боис маҳаллий вакиллик
органларидаги партия гуруҳлари фаолиятини янада яхши-
лаш, Ватан тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъмин-
лаш борасидаги мақсад-вазифаларни амалга оширишда
уларнинг иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор
қаратилмоқда.

Туткундада транспорт хизмати яхшиланмоқда

бунда ЎзМТДП гуруҳи аъзолари
кўмакдош бўлаётир

Ҳўш, сайловчи ишончини қозониб, депутатлик мақомига сазо-
вор бўлган халқ вакиллари ўз зиммасида электорат ишончини
оқлаш, партия дастурий мақсад-вазифаларини бажариш масъ-
улияти турганлигини қай даражада ҳис этмоқда? Депутатлик
сўрови, депутатлик назорати институтидан фойдаланиш, ман-
сабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, доимий комиссиялар
йиғилишларига таклифлар, сессияларга ташаббус-масалалар
киритиш каби ҳуқуқларидан нечоғлиқ фойдаланмоқда? Бу бора-
да, энг аввало, уларнинг амалий ишларига маълум бир ҳулоса
чиқаришга, муайян натижаларнинг бўй кўрсатаётганини ан-
лашга ёрдам беради.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Давр талабларига мос фаолият

самарали натижалар
гарови



> 4-бет.

Депутатлар фаолиятидаги ташаббускорлик

партия ва электорат
манфаатлари
таъминланишининг
муҳим омили

> 5-бет.

Шиша идиш синиклари

табиатга миллион йил
таъсир қилиши
мумкин



> 7-бет.

Тарих ва бугун

Самарқанд давлат бирлашган
тарихий-меъморий ва
бадий музей қўриқхонасида
ўз аксини топган



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



"Milliy tiklanish"
газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Муносабат

Мамлакатимиз
миллий
манфаатлариуни ҳимоя қилишга
барчамиз масъулмиз

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўплаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бораётган ҳуқуқий демократик давлатга айланиб бормоқда. Барчамиз жаҳон ҳамжамияти қиёфаси, халқаро муносабатлар ўзгариб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш каби устувор вазифалар — Ўзбекистоннинг изчил ва ташаббускор ташқи сиёсатини белгилловчи муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида ташқи сиёсий фаолият борасида салмоқли тажриба тўпланди. Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан бартараф этиш, трансчегаравий муаммоларни ҳал этиш, Орол бўйи минтақасида экологик фожаи оқибатларини енгиб ўтиш каби масалаларда Ўзбекистоннинг изчил, ташаббускор позицияси унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлади.

Бугун биз манфаатлар тўқнашуви кескин тус олаётган бир даврда яшамолдамиз. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: **“Айни шундай вазиятни ҳисобга олиб, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш мақсадида биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз, деб билишимиз керак”** дея алоҳида таъкидлади. Юртбошимизнинг мамлакатимиз олдида турган стратегик вазифалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари нафақат ҳар бир депутатни балки юртимиз барча фуқароларини янада фаоллик ва ҳушёрликка чорлаши шубҳасиз.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида мамлакатимиз миллий манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қаратилган ташқи сиёсатни олиб бориш ҳамда юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлидаги юксак ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Биз бу борада бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этмоғимиз лозим.

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро
ишлар ва парламентлараро алоқалар
қўмитаси раиси,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

* * *

Президентимизнинг қўшма мажлисдаги нутқини диққат ва ҳаяжон билан тинглаб, кеча ким эдиғи бугун ким бўлди, деган ҳаётий ҳақиқат беихтиёр ҳаёлимдан ўтди. Юртбошимиз раҳнамолигида эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз қўлимизга олдиқ. Янги демократик давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиған озод ва обод ҳаёт қуриш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган қатъий ўзгариш ва ислохотлар натижасида бугун юксак марра ва ютуқларга эришиб келаётганимизни ҳеч ким инкор этолмайди. Шу боис ўтган сайловда халқимиз мамлакатимиз танлаган оқилона йўлнинг давомийлиги учун овоз берди.

Ўзбек халқи учун, энг аввало, тинчлик ва омонлик керак. Бугунги таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган замонада Ватанимиз тинчлигини сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борада давлатимиз раҳбари ўз нутқида: **“Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блока қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўйилмайди”** дея таъкидлаб ўтди.

Мана шундай осуда кунлар, мусофҳо осмоннинг, мустақилликнинг қадрига етишимиз керак. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан зийрак нигоҳ билан қараш, ўзимизнинг ҳолис муносабатимизни билдиришимиз, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, янада жипслашмоғимиз лозим. Зеро, мафқуравий иммунитетни қучли, бирдам ва бардам халқни ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди.

Давлатимиз раҳбари нутқида илгари сурилган мақсад-вазифаларни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Унда маҳаллалар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда аҳоли, хусусан, ёшлар орасида учрашув ва давра суҳбатларини ўтказиш муҳим масала сифатида белгиланган. Бундай тадбирларда тинчликнинг қадрига етиш, ёшлар онгини турли ёт ва зарарли фоялар таъсиридан ҳимоялаш, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги кунини учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган баркамол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Президентимиз нутқидаги иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш борасида партиямиз электроти ҳисобланган оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш ишлари қўлами янада кенгайтирилди.

Бир сўз билан айтганда, депутатлар, партиямиз фаолларидан Президентимиз маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида янада фаол бўлишлари талаб этилади.

Барно ИСЛОМОВА,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят
кенгашидаги
ЎзМТДП ғуруҳи аъзоси

ЎзМТДП ҳаёти

Сайловолди ваъдаларни амалга ошириш

ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг бош мезонига айланиши лозим

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари ютуқларимиз замирида мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг дунёқароши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганлиги ҳамда бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган замонавий билми ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги кунини учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навиқрон ёшларимизнинг шижоати мужассам эканлигини фахр билан таъкидлади.

Президентимиз эришилган натижаларни янада ошириш ва мустаҳкамлаш борасида сўз юритар экан, энг аввало, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришни муҳим вазифа сифатида илгари сурди. Мазкур ислохотларни амалга ошириш барча даражадаги партия ташкилотларимиз ва депутатларимиз зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Президентимиз ўз нутқида бугунги кунда дунёда вазият кескинлашиб бораётгани, турли ҳавф-хатарлар қучаётганлиги мамлакатимиз жамоатчилиги эътиборини қарати. Ана шундай мураккаб вазиятда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш, узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлат билан дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни устувор вазифа деб билишимиз кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз сайловолди Платформасида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини кўз қорачигидек асрашни ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланганлигидан келиб чиқиб, биз учун мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш муқаддас бурч бўлиб қолади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқида белгиланган вазифалар ҳамда келиб чиқадиган ҳулосалар асосида партиямиз ва Қонунчилик палатасидаги фракциямиз иш дастурларини тўбдан янгилашгани, уларни амалга оширишда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз зарур.

Мамлакатимизда жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган Президент сайлови кампаниясининг тарихий аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, Ўзбекистоннинг халқаро микёсда демократик обрўси янада юксалганлиги, халқимизнинг сиёсий онг-тафаккури ўсганлиги, фуқаролик масъулияти қучайганлиги ва энг муҳими, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ўрни ва роли юқори даражада ошганлиги алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу сайлов демократия, қонунийлик, ошқоралик, тенглик тамойиллари асосида, ўзаро рақобат ва кураш руҳида ўтганлигига барчамиз гувоҳ бўлдик.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши куйидагиларни маълум қилади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан 2014 йил давлат бюджетидан 6 524 750 000 сўм, Қонунчилик палатасига сайловларда иштирок этиш учун 656 112 000 сўм, аъзолик бадаллари 654 200 000 сўм, ҳомийлик, хайрия ва бошқа тушумлар 71 800 000 сўм, жами даромадлар 7 906 862 000 сўмни ташкил этди.

2014 йилдаги партиянинг сарф-харажати 7 593 472 000 сўмни ташкил этди.

Шу жумладан, ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари 6 215 900 000 сўм (яъни, бюджет ҳисоб рақамидан 5 659 417 200 сўм (91 %) ва 556 482 800 сўм (9%) бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидидаги маблағидан) сарфланган.

Партия аъзоларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишини ташкил этиш ва кўрғазмалар тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари 110 800 000 сўм (яъни, 57 266 900 сўм бюджет ҳисоб рақамидан (52 %) ва 53 533 100 сўм (48 %) бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидидаги маблағидан) сарфланган.

Партия фаолларини ўқитиш, семинар, тренинглар ўтказиш харажатлари 190 000 000 сўм (яъни, бюджет ҳисоб рақамидан 80 294 000 сўм (43 %) ва 109 706 000 сўм (57 %) бюджетдан ташқари ҳисоб рақами маблағидан) сарфланган.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам мазкур сайловда фаол иштирок этди, — деди партия раҳбари.

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси олдида турган долзарб вазифалар хусусида гап борар экан, бу борада улар бутун диққат-эътиборини партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратишлари лозимлиги алоҳида эътироф этилди.

Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни 2015-2019 йилларда амалга ошириш юзасидан тайёрланган дастур атрофлича муҳокама қилиниб, сайловолди Платформа келгусида партия ташкилотлари ва партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар корпуси учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар дастури-ламалари ҳисобланиши таъкидланди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев бу ҳақда маъруза қилиб, партия электорати манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ҳокимиятнинг ижро органлари вакиллари ахборотларини эшитиш юзасидан фракция ҳамда партия ғуруҳлари фаолиятини янада қучайтириш лозимлигига эътибор қаратди.

Маърузада партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси аъзолари қонун ижодкорлиги ва ваколат доираларига ки-

Пленумда партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси аъзолари қонун ижодкорлиги ва ваколат доираларига кирувчи бошқа масалалар юзасидан муайян ишларни амалга оширган бўлсалар-да, бироқ, 2010 йил илгари сурилган Концепция ва партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда етарли даражада саъй-ҳаракат кўрсатишмагани таъкидлаб ўтилди.

рувчи бошқа масалалар юзасидан муайян ишларни амалга оширган бўлсалар-да, бироқ, 2010 йил илгари сурилган Концепция ва партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда етарли даражада саъй-ҳаракат кўрсатишмагани таъкидлаб ўтилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги айрим партия ғуруҳларида электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускорлик етишмаётганини ҳисобга олган ҳолда сайловолди Платформани амалга ошириш дастурида бу камчиликлар эътиборга олиниб, устувор вазифалар белгилангани эътироф этилди.

Дастурда тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада қучайтиришга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг микёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аънадаларига чуқур ҳурмат, эҳтиром уйғотиш борасида бир қатор вазифаларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Туризмни ривожлантириш, сайёх-

ликнинг янги йўналишларини қучайтириш, ички ва экологик туризмнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан устувор вазифалар белгиланганлиги олинди.

Дастурнинг иқтисодиёт соҳасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни янада қучайтириш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш ва уни хорижий сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, миллий брендлар яратиш, энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, қонунларимизни миллий кадриятлар руҳи билан суғорилишига эришиш ва Ўзбекистон халқининг миллий аънава ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган кеңиримиллик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини таъминлаш дастурда устувор вазифалардан бири сифатида илгари сурилди.

Дастурда миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни, ахборот маконида миллий ғоя ва манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ташаббуслари ва тадбирлар белгиланди. Ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистон миллий манфаатларини

Барча партия фаоллари халқимиз, сайловчилар билдирган юксак ишончини оқлаш учун янада масъулиятли бўлиб, ўз фаолиятини қучайтиришлари зарур.

Пленумда партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг сайловолди Платформа ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини, уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилишдаги ташаббускорлигини янада қучайтириш, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш ва барқарор миллий ривожланишни таъминлаш мақсадида ЎзМТДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган иш Дастури қабул қилинди.

Акмал РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни мустаҳкамлаш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, парламент ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ҳамда партия ғуруҳлари ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши, сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиши, депутатлар ўз фикрларини илгари суришлари, соғлом рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Партиямиздан сайланган депутатлар ана шундай масъулиятни тўла ҳис қилиб, фаолият олиб боришлари талаб этилади.

Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда депутатларнинг масъулиятини қучайтириш, ЎзМТДП фракцияси фаолияти самарадорлигини ошириш олдимизда турган муҳим вазифадир. Партиямиз Устави, Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган, ўз ечимини қутиб турган муҳим масалаларни парламент даражасига олиб чиқиш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади.

Ғайрат ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси:

— Пленумда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформаси, Устави ва Дастурида белгиланган берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, илгари сурилган ғоя ва мақсадларни амалга ошириш, сайловчилар ва электорат ишончини оқлаш масалалари муҳокама этилиб, фаолиятимиз танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, партиямиз бу борада муайян ишларни амалга оширди. Шу билан бирга, фаолиятимизда йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар, айрим партия ташкилотлари фаолиятидаги сусткашлик, лоқайдлик каби салбий омилларнинг сабаблари очик-ойдин айтилди.

Кейинги фаолиятимизда камчиликларга йўл қўймаслик, партияимизнинг дастурий ва ғовий мақсад-вазифаларини оғишмай, изчил амалга ошириб боришни таъминлаш, ЎзМТДПнинг омма орасидаги нуфузини янада мустаҳкамлаш фаолиятимиз асосига айланиши даркор. Хар биримиз ана шу масъулиятни чуқур ҳис этишимиз, фаолиятимизга яна бир қарра танқидий кўз билан қарашимиз, партия сайловолди Платформасини ишчанлик, жонқуярлик, изланувчанлик, ташаббускорлик, фидойилик билан амалга оширишимиз лозим.

Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Қорақалпоғистон Республикаси:

Демократик ислохотларнинг бугунги босқичи

ЎзМТДП барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг мустақкам ҳамкорлигини талаб этади



Интервью

Партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар рўёби, электорат ишончини оқлаш кўп жиҳатдан вақиллик органларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига боғлиқ. Чунки улар дастурий вазифалардан келиб чиқиб, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига киритиш ҳамда тегишли қарор чиқаришда фаол иштирок этади. Шу боис ҳам, партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари доимий ҳамкорлик қилиши, сайловолди ваздалари устидан чиқиши, электоратни ўйлантираётган масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишлари лозим. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия Кўмитаси дивони раҳбари Левитан АБДУМУРОТОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда.

— Сайловчи, энг аввало, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ҳаётийлиги ва ижтимоий аҳамиятга моликлигига қараб, унинг номзодларига овоз беради. Шу жиҳатдан партиянинг электорат олдидаги масъулияти ҳам табиий. Аммо партия ҳар доим ҳам депутатлар бирлашмасининг иштирокисиз электорат манфаатларини ҳимоя қила олмайди. Бунинг учун партия гуруҳлари билан доимий ҳамкорлик зарур. ЎзМТДП

Мақсад-вазифалар рўёби

фаолиятимизнинг асосий мезонига айланади

Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти ўз депутатлик бирлашмалари билан доимий мулоқотда бўлаётими? Электорат вақиллари мурожаатларини ҳамкорликда ҳал этиш тажрибаси шаклланганми?

— Ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловда ЎзМТДПдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 18, шаҳар ва туман кенгашларига эса 80 депутат сайланди. Айни пайтда маҳаллий кенгашларда 9 депутатлик гуруҳимиз иш олиб бормоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларининг иштини жонлантириш, энг аввало, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда улкан аҳамиятга эга. Чунки сиёсий партиялар ўзининг Дастури ҳамда жамият манфаатларидан келиб чиқиб, ечимини кутиб турган муҳим масалаларни парламент ва маҳаллий кенгашлар даражасига олиб чиқишни мақсад қилиб қўяди. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти ҳам сайловолди ваъдаларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Электорат муаммоларини ҳал этишда партия гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб борилаётир. Масалан, фуқаро нуқуслик Ақилбек Айтинов мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларига транспортдан фойдаланишда енгиллик яратиш масаласини ҳал этишда ёрдам сўраб

ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгашига мурожаат қилган. Халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгашидаги ЎзМТДП партия гуруҳи раҳбари Б. Наримбетов ушбу мурожаатни ўрганиб чиқиб, навбатдаги сессияга ташаббус сифатида киритишни маълум қилди. Ҳудди шундай мисолларни Амурдарё ва Хўжайли туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Одатда, энг ҳаётий ташаббус-масалалар бошлангич партия ташкилотларидан чиқади. Қуйи бўғиндан маҳаллий кенгашга қандай ташаббуслар киритилган?

— Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, улар фаолиятини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Нукус шаҳрида ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти “Ўзбек жанг санъати” спорт турини республика-мизда оммалаштириш масаласида ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгашига таклиф билдирганди. Айни кунларда ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгашидаги партия гуруҳи ушбу таклифни халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши сессияси кун тартибига киритишни режалаштирмоқда. Қуйи бўғинларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш борасида илгари сурган таклиф-мулоҳазалари ҳам партия гуруҳларини безътибор қолдираётгани йўқ. Маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз бошлангич партия ташкилотла-

ри билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб, уларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида иш олиб бормоқда.

— ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти келгусида партия гуруҳларига партия сайловолди Платформасида қайси мақсад-вазифалар бўйича таклиф ва тавсиялар беришни режалаштирмоқда?

— Партия сайловолди Платформасининг иқтисодий соҳасида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, депутатлик бирлашмаларимизга ҳудудда туризм саноатини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш бўйича қатор таклифлар билдиришни режалаштирдик. Зотан, ҳудудимизда бу соҳани ривожлантириш учун барча имконият етарли. Бундан ташқари, ҳудудда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, маҳалла институтининг ижтимоий ҳаётидаги роли ва тарбия маскани сифатидаги ўрнини янада мустақкамлаш, унинг ваколатларини кенгайтириш, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳам депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Бундай ҳамкорлигимиз партияимиз сайловолди Дастурида белгиланган мақсад-вазифалар рўёби учун хизмат қилади, деб умид қиламиз

Электорат манфаати

Мамлакатимизда хунармандчиликни ривожлантириш ва бу орқали қўшимча иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда жойларда кичик корхоналар, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик субъектлари кўпаймоқда. Ички ва ташқи бозорни сифатли миллий маҳсулотлар билан таъминлаш кўламини кенгайтириб, халқимиз қадриятлари жаҳонга юз тутмоқда. Ўз навбатида, рақобат муҳити шаклланиб, маҳсулотлар арзонлашмоқда, аҳолининг харид имкониятлари ошмоқда.

ЎзМТДП кўмагида ишни йўлга қўйдик

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси — ана шу ҳаракат жараёнида фаол иштирок этишга интиломоқда. Партия тадбиркорларга ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантиришда ёрдам бериб келаётир. ЎзМТДПнинг бир қанча лойи-

ҳалари айнан мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган. Хусусан, “Банк кредитлари — хунармандларга” лойиҳаси натижаси ўлароқ, биргина Қорақалпоғистон Республикасида 15 нафар хунарманд ва оилавий тадбиркорга жами 257,6 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Байрамгул АЛИМБЕТОВА,
Конилиқ тумани,
хунарманд:

— Юртимизда аёллар тадбиркорлигига кенг йўл очилаётгани ижтимоий ҳаётдаги мавқеимизнинг янада ошишига хизмат қилаётир. Мен ҳам партия лойиҳаси доирасида имтиёзли, йиллик 3 фоиз устама тўлаш шарти билан кредит олиб, хусусий корхона очдим. Ҳозир қуроқдан турли буюмларни ишлаб чиқаряпмиз. Кўрпа-тўшак қуроқ солиш, болалар учун турли ўйинчоқлар тиқиш корхонамизнинг асосий фаолият йўналишига киради. Яқиндан бошлаб аёллар кўйлақларини тиқишни йўлга қўйдик. Корхонамизда уч киши ишласа-да, ўндан ортиқ шогирдлар тайёрлапмиз. Маҳсулотларимизнинг харидорлари талайгина. Ҳозир фақат буюртма асосида ишляпмиз. Ёнимиздаги қишлоқ ва маҳаллалардан, ҳатто, қўшни туманлардан ҳам буюртмалар кўп.

Корхонани ўз уйимда очганим икки қарра қулайлик яратди. Шунингдек, давлатимиз томонидан оилавий корхоналарга берилган барча имтиёз ва имкониятдан тўла фойдаланяпмиз. Келажақда фаолиятимизни янада кенгайтиришда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Банк кредитлари — хунармандларга” лойиҳаси бизга кўмакдош бўлиши шубҳасиз. Корхонани катта тикув цехига айлантириб, иш ўринлари сонини кўпайтирмоқчимиз.

Баҳодир ХОЖАНИЯЗОВ,
Нукус шаҳри,
тадбиркор:

— Партия лойиҳаси доирасида имтиёзли кредит олиб, ўз уйимда тикувчилик корхонасини ташкил этдим. Корхонада оилам ва тўрт нафар шогирдим иш билан банд. Асосан, қорақалпоқ миллий кийимлари — шапан, тақия, бешпент ва бошқа қатор миллий либослар тайёрлаб аҳолига етказиб берапмиз. Маҳсулотларимиз харидорларга ҳам манзур келмоқда — бозори қаққон. Чунки миллий кийимларимизни замонавий кўринишда тиқишга ҳаракат қиляпмиз. Корхонамизнинг тез орада оёққа туриб, муваффақият билан фаолият юритаётганига яна бир сабаб — банкдан олган кредитнинг имтиёзли шартларда берилганидир. Партия ва банк ҳамкорлиги туфайли йиллик 3 фоиз устама тўлаш шарти билан кредит олганман. Партиянинг миллий хунармандчилик турларини ривожлантириш, анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш борисида амалга ошираётган ишларини қўллаб-қувватлайман. “Банк кредитлари — хунармандларга” каби лойиҳалар янада кўпайишни истардим. Зотан, ана шундай лойиҳалар юртимизда оилавий корхоналар, касаначилар ва хунармандлар сафининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Партия аралашгач...

Мурожаат ортида тақдир бор

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Бу жиҳатлар ҳамюртларимиз сиёсий-ҳуқуқий маданиятини кун сайин ортиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилишда қонуний асослардан унумли фойдаланаётганида, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотларига мурожаатларида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан бирликлда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. “Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонунида жисмоний ва юридик шахслнинг барча ҳуқуқлари, жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқи ва қафолатлари мустақкамлаб қўйилгани инсон манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Фуқаролар мурожаатлари аҳоли сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг белгиланган муҳим мезон ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фуқароларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, амалдаги қонунарга риоя этилишини таъминлашни ўзининг суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалари сирасига киритган. Мазкур дастурий вазифаларни амалга оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари, депутатларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари натижасида фуқароларнинг партиянинг барча даражадаги ташкилотларига мурожаатлари салмоғи ортиб бормоқда.

— ЎзМТДП Қорақалпоғистон кенгашига партия аъзолари, ижтимоий қатлами ва хайрихоҳларимиздан келиб тушаётган мурожаатлар аҳолининг партияимизга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далolat беради, — дейди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби Мирзааҳмад Тожи-

муратов. — Партия ташкилотларига келиб тушаётган мурожаатларда, асосан, партия электорати вақиллари — зиёли, хунарманд, оилавий тадбиркор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ёшлар манфаатлари, бандлик, имтиёзли кредит олишга қўмаклашиш билан боғлиқ бўлган масалалар акс этган. Ўтган йил давомида партияимизнинг барча даражадаги ташкилотларига 150 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар партия аралашуви билан ўз вақтида ўрганилиб, давлат ташкилотлари ёки депутатларга йўналтирилди. Мурожаатларни ҳал этишда депутатларнинг турли ташкилот ва идораларга киритган депутатлик сўровлари муҳим ўрин тутди.

— Партия ташкилотимиз ўтказадиган тадбирларда фуқаролар фаол иштирок этиб, сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, юртимиз ҳаётида рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб, қабул қилинаётган қонуналар мазмун-моҳияти билан танишади. Шунингдек, партия фаолларига ўзларини қизиқтираётган масалалар билан мурожаат қилишади, — дейди ЎзМТДП Амурдарё туман кенгаши раиси ўринбосари Ширин Янгйибоева. — Фуқароларнинг партияга мурожаатлари, хош оғзаки ё ёзма тарзда бўлсин, ўз вақтида, қонун доирасида ҳал этилмоқда. Масалан, яқинда туман кенгашиимизга Манғит шаҳарчаси Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳудуддаги 4-умумтаълим мактабига борувчи йўлни таъмирлаш учун кўмак сўраб мурожаат қилишди. Ёш авлод таълим-тарбияси учун муҳим бўлган бу масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Марям Аҳмедова туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғига депутатлик сўрови киритди. Мурожаат ижобий ҳал этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, қорақалпоғистонлик маслақдошларимиз ўзларини қизиқтираётган ва дуч келаётган масалаларни ҳал этишда партия ташкилотларини яқин кўмакдош деб билмоқда. Улар бу борада, асосан, бошлангич партия ташкилотларига мурожаат қилаётгани ЎзМТДП голяри, дастурий мақсад-вазифаларининг чекка ҳудудларга ҳам кириб бораётгани, партия хайрихоҳлари сафи кенгаётганининг ёрқин далилидир.

Фаолият: факт ва рақамларда

✓ Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 14 минг 693 нафар аъзоси бор

✓ Партия аъзоларининг қарийб 50 фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этади

✓ Республикада 606 бошлангич партия ташкилоти ЎзМТДП голяри тарғиботида фаол иш олиб бормоқда

✓ Қорақалпоғистонда ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 18, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига 80 нафар депутат сайланган

✓ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги ЎзМТДП фракцияси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги ташаббус-масалани Жўқорғи Кенгес сессиясига киритиш чора-тадбирларини кўрмоқда

✓ Жорий йилнинг шу даврига қадар 24 депутатлик сўрови ижобий ҳал этилиб, электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қилди

✓ “Банк кредитлари — хунармандларга” лойиҳаси доирасида қорақалпоғистонлик 15 нафар хунармандга 257,6 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди

✓ ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикасининг барча даражадаги ташкилотларига 150 дан ортиқ мурожаат келиб тушди

Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Қуйи бўғинлар фаол ишласа, аниқ ташаббусларни илгари сурса, партия голяри аҳоли орасида янада кенг қулоч ёйди, ҳудудлардаги мавжуд турли масалаларга ечим топилади. Бугун ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти таркибиде 606 қуйи бўғин фаолият юртимокда. Агар 2013 йилда республикада бошлангич партия ташкилотлари 580 тами ташкил этгани ҳисобга олинса, улар сони нисбатан анча ошганини кузатиш мумкин.

Қуйи бўғин

ҳам сони, ҳам сафи кенгаймоқда

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жойлашган маҳаллада ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти партияимиз тизимиде ўзига хос ўрин ва мавқега эга.

— Аҳолини партияимизга янада яқинлаштириш, голяри халқчиллигини аниқ лойиҳаларда акс эттириш орқали электорат ишончини қозониш бугун 350 дан зиёд аъзога эга бошлангич партия ташкилотимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир, — дейди қуйи бўғин етакчиси Икром Жуманиёзов. — Мақсадимиз партия голяси ва дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш. Бунинг учун ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларни жалб этган ҳолда ўқув-семинар, давра суҳбатлари ва турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Одамларни қизиқтираётган масалаларни ҳал этишга интилишимиз орқали ҳам тарғиборларимиз сони кўпаймоқда. Ёшлар ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилишни фаолиятимизнинг бош мезонига айлантирганмиз. Партияимизнинг “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” билан мустақкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жамиятнинг энг қайноқ ана шу қатлами голяримиз атрофида бирлаштира олсак, партия мақсад-вазифалари рўёбини таъминлашда муносиб иштирок этган бўламиз.

Жамиятимизда кечаётган ислохотлар

изчиллигини таъминлаш ва фуқаролар он-дига ангина дунёқарашии шакллантириш жараёни сиёсий партиялар, жумладан, бошлангич ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу эса, ўз навбатида, қуйи бўғин фаолияти самарадорлигини оширишни талаб этади.

Ўз атрофида 68 аъзони бирлаштирган Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика онкология диспансери қошида ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти жойларда партия аъзолари ва хайрихоҳлар ишончини қозонишга интилаётган ташкилотлардан биридир.

— Партия ташкилотимиз аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ҳамда ҳал этишга қўмаклашишни мақсад қилган, — дейди БИТ етакчиси Гулал Есназарова. — Ишимизни бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, партияимиз голяларини кенг аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фракция ҳаёти



Давр талабларига мос фаолият

самарали натижалар гарови

Кун кеча Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқиди билдирилган фикр-мулоҳазалар атроф-лича муҳокама этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасида мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда эришган марралари эътироф этилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди, — деди Спикер ўринбосари, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов. — Эришяётган юксак марраларимиз биз танлаган йўлнинг ҳар жиҳатдан тўғри ва истиқболли эканлигини кўрсатяётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, маърузада келажагимиз эгалари бўлган навқирон авлод вакилларининг шижоати, эришяётган ютуқлари, уларнинг юртимиз бугуни ва эртасидаги ўрни ҳамда роли ҳақида тўхталиб ўтилди. Шунини айтиш керакки, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, қўлга киритилган ютуқларни юқори поғонага кўтариш борасида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш фракциямиз аъзолари, депутатларимиз зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Президентимиз маърузаси юзасидан фракция аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди. Таъкидланганидек, турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган мураккаб вазиятда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишни илгари сураётган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини асраб-авайлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Шундан келиб чиққан ҳолда давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқиди белгиланган вазифалар асосида партия ҳамда фракциямиз фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди. Жумладан, “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, сўнгги йилларда тadbиркорлик фаолиятини ахборот-коммуникация воситалари орқали амалга ошириш, замонавий ахборот-технологиялари ёрдамида савдо ва хизмат кўрсатишнинг янги, хилма-хил турларини амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳанинг ҳуқуқий асосларини ҳам такомиллаштириб боришни талаб этади. Шу мақсадда ишлаб чиқилган “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш, электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Электрон ҳужжатлар ва хабарларни қўллашда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш назарда тутилган мазкур қонун лойиҳаси давлатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, бизнес оламида тегишли технологияларни нафақат ташқи, балки ички бозорларда ҳам жорий этиш бўйича янада кенг имкониятларни яратди.

— Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқиди ахборот коммуникация соҳасига эътибор қаратилиб, интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлиги таъкидланди, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилова. — Тараққиёт, ривожланиш, ўз навбатида, соҳага оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириб боришни тақозо этади. “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси билан электрон тижоратда битимларни тузиш ва бошқа амалларни бажариш, электрон ҳужжатлар (хабарлар)ни қўлла-

ган ҳолда шартномалар тузиш, иштирокчиларга, шу жумладан, ахборот воситачиларига бўлган талабларни белгилаш назарда тутилмоқда, Шу нуктаи назардан қонун лойиҳасига электрон тижорат тамойилларига доир нормалар, тadbиркорлик фаолиятининг эркинлиги, битимлар тузилишининг ихтиёрийлиги, электрон тижорат шартноларининг тенглиги ҳамда электрон тижорат иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинишига оид моддалар киритилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси ўз мазмун-моҳияти билан партиямиз дастурий мақсадларига ҳамохандир. Яъни ЎзМТДП сайловолди Платформасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, янги, замонавий технологияларни жорий этишга қўмаклашиш, “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш дастурларини амалга оширишнинг комплекс таъминоти масаласи алоҳида. Белгиланган. Бу каби дастурий вазифаларимизни амалга оширишда ушбу ҳужжат муҳим ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор амалий фикр, тақлиф ва тавсияларни билдиришди. Қайд этилдики, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши электрон шартномаларни расмийлаштириш ва ижро этиш жараёнини энгиллаштиришга хизмат қилади. Яъни келгусида республикаимизда савдо операцияларини амалга ошириш бўйича ҳаражатларни камайтиради, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади. Шунингдек, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тезкор шартномавий муносабатларни ўрнатиш, ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо қилишда операциялар шифофлиги таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Фракция йиғилишида биринчи ўқишдаги “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мамлакатимизда йилдан-йилга аҳоли сони ошиб бориши баробарида сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ортмоқда. Хусусан, ҳайвонот оламига мансуб озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб уларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашдаги давлат ветеринария назоратининг аҳамияти, унинг ўрни ва жавобгарлигини мустаҳкамлашни тақозо этади. Ветеринария соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган мазкур қонун лойиҳаси билан “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда қўлланилган асосий атамаларга тушунтиришлар берилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қўшлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамда жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ветеринария соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида ветеринария барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги моддалар ўз аксини топмоқда. Шунингдек, қорвачилик ривожланишини инноватга олиб, қорвачилик объектлари, қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларини парваришлаш, биологик ва қорвачилик чиқиндиларини қайта ишлаш ва сақлашга нисбатан асосий ветеринария-санитария қоидалари ва меъёrlари киритилмоқда. Шунингдек, ҳайвон эгаларининг мажбуриятлари ҳамда эпизоотик тadbирларни амалга оширишда давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш масалалари назарда тутилмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисидаги нутқиди мамлакатимиз фермер ҳўжаликлари бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқариб, қишлоқ ҳаётининг тараққиётини ўз зиммасига олаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДП сайловолди Платформасида ижтимоий соҳада белгиланган мақсад-вазифаларимизни амалга оширишда ҳам муҳим асос бўлади, — дейди фракция аъзоси Шерзод Раҳимов. — Хусусан, озиқ-овқат хавфсизлигини янада кучайтириш ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўпайтириш, генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклашга қаратилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ва фракция ваколатига тааллуқли масалалар ҳам муҳокама этилди. Қизгин муҳокама ва савол-жавоблардан кейин фракция аъзолари қўрилган қонун лойиҳаларини маъқуллашди. Йиғилиш сўнгига фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Депутат сўров киритди

Туткундада транспорт хизмати яхшиланмоқда

бунда ЎзМТДП гуруҳи аъзолари кўмакдош бўлаётир

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар — 90 нафар. Бу ҳар бир депутат электоратни ўйлантираётган масалалар юзасидан йилда икки марта сўров киритиб, ҳал қилишга эришганида ҳам икки юзга яқин масала ижобий ечим топади, деганидир.

Жорий йилнинг биринчи чораги юзасидан мазкур партия гуруҳларининг ҳисоботлари ўрганилганда, депутатлар ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришда, айнисқа, депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланаётгани аёнлашди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари бу даврда жами 20 дан зиёд депутатлик сўровини амалга ошириб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган. Мазкур муносабатлар партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар ижросини таъминлаш, аҳоли ва электорат вакиллари ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Когон туман кенгашида-

ги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳам аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган бир нечта депутатлик сўровини амалга оширишди. Депутатларнинг, асосан, ўзи сайланган ҳудуддаги масалалар билан шуғулланаётгани эътиборга молик. Демак, бугунги кун депутатлари сайловчиларда ўзларига нисбатан ишонч юксаклигини ҳис этмоқда. Туман кенгаши депутати Эркин

✓ **Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари биринчи чорада 20 дан зиёд депутатлик сўровини амалга оширди**

✓ **Депутат киритган сўровга 10 кун ичида жавоб келди**

✓ **Сўров тўғрисида нафақат туман, балки вилоят миқёсида ҳам чора-тadbир қўрилмоқда**

Неъматовнинг “Туткунда” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг муносабатлари асосида тегишли ташкилотларга киритган сўрови ҳам аҳолининг кўнглидаги иш бўлди. Унда “Туткунда-Бухоро”, “Туткунда-Когон” йўналиши бўйича транспорт қатновини самарали йўлга қўйиш, ўқувчилар учун имтиёзли нархларни жорий қилиш масаласи баён этилган. Чунки мазкур йўналишларда ҳаракатланувчи транспортларда нархнинг асосий равишда оширилгани йўловчиларнинг эътирозига сабаб бўлаётган эди. Шунингдек, ушбу ҳолат ҳар кун ҳудуд

берди. Бу саъй-ҳаракат, биринчидан, аҳоли учун катта қўлайлик туғдирса, иккинчидан, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросига ҳам хизмат қилади. Чунки партия Ҳаракат дастуридан йўловчиларга, жумладан, мамлакатимизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлари аҳолисига транспорт хизмати тизимини яхшилаш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари учун имтиёзли транспорт қатновини таъминлашга қўмаклашиш масалалари алоҳида ўрин олган.

Халқ депутатлари Когон туман кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳига Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, депутатлик сўрови бўйича ўн кундан кечиктирилмай жавоб хати келиб тушди. Унда маълум қилинишича,

Собир ШАРИПОВ,
“Туткунда” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ҳудудимиз аҳолисининг 46 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги туман маркази ва вилоятимизнинг турли ҳудудларида таҳсил олади. Маҳалламиз ёшларининг деярли барчаси ўқишга иштиёқманд, изланувчан йиғит-қизлар. Ўқувчиларнинг ҳар кун марказга бориб келишларини инноватга олиб, имтиёзли транспорт қатновининг амалга оширилиши, аҳоли фикр-мулоҳазалари асосида йўл ҳақининг асосий қимматлашуви чек қўйилиши айтиш мумкин бўлмоқда. Биз ўзимиз ишонч билдирган депутатларимизнинг ана шундай амалий саъй-ҳаракатлари барчамизга мамнуният бахш этади. Маҳалламиз аҳолининг депутатга, сиёсий партияга ишончини янада мустаҳкамлайди.

Умид УЗОҚОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Радиочастота спектри

ахборот-коммуникация соҳасидаги ислохотлар бу борадаги қонуннинг янги тахирини талаб қилмоқда

Радиочастота спектри — мамлакатимизнинг муҳим миллий ресурсларидан бири. Ҳар кун телевидение, радио ва мобил алоқа воситалари орқали ахборот алмашамиз. Бироқ бу ахборотларнинг хавфсизлиги қанчалик даражада таъминланган?

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Радиочастота спектри тўғрисида”ги қонун ахборот соҳасининг радиоэфир, симсиз алоқа технологиялари асосида ахборот ва маълумотлар узатиш жараёни билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш асосий ҳуқуқий ҳужжат саналади. Ушбу қонун радиочастота спектри муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Ахборот-коммуникация тизими тобора ривожлангани сари радиочастота ресурсларидан фойдаланиш хавфсизлиги ва самарадорлиги даражасини ошириш, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши учун жавобгарлики

кучайтириш зарурати ортмоқда. Бу, ўз навбатида, амалдаги “Радиочастота спектри тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда. Шу боис айтиш пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиняпти.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади — радиочастота спектридан фойдаланишни назорат қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, радиоэлектрон воситаларнинг барқарор ишлашини таъминлашдан иборат. Унда, шунингдек, узатилаётган ахборотдан асосий фойдаланишга чек қўйиш, ахборотнинг сирлиги ва бутлигини таъминлаш, алоқа тизимларидан назоратсиз фойдаланишнинг олдини олиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонун лойиҳаси симсиз алоқа воситаларининг технологик ривожланиш тенденциялари, мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда илғор халқаро тажрибалар асосида янада такомиллаштирилмоқда.

ЎзМТДПнинг сайловолди Платформа-

сида миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ижобий ҳал этиш, миллий ахборот маконининг босқичма-босқич ривожланиши, юқори технологияли жиҳозлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Партия бу борада теле-радиосиғиртиришлар тизимини модернизация қилиш, сифатли теле-радио жиҳозлардан фойдаланишга қаратилган чора-тadbирларни амалга оширишни қўллаб-қувватлайди. Зеро, теле-радио эфирлари ва мобил алоқа воситалари орқали эфирга узатилаётган ахборотлар аҳоли онига, айнисқа, ёшлар маънавиятига катта таъсир кўрсатади. Бу каби ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ягона миллий ахборот маконини шакллантириш масалалари партиямиз дастурий вазифалари сирасига қиради. Шу боис фракциядошларимиз қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида радиочастота спектри муҳим миллий ресурс ҳамда миллий ахборот маконининг ажралмас қисми эканига, шунингдек, миллий ахборот тизими ва ресурслари ривожланишининг миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга эътибор қаратишмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши партиямизнинг ахборот соҳасида белгиланган мақсад-вазифалари ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мархабо ҒАҒУРОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси



Аждодлар номи — барҳаёт



Соҳибқирон мероси

миллий ғуруримиз

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ва ЎЗР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 679 йиллигига бағишлаб “Амир Темури давлатидаги илм-фан ва маданият ривожининг умумбашарий аҳамияти” мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, партия фаоллари, тарихшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти А.Абдухалимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур, Халқаро Амир Темури фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиев, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар жараёнида Амир Темури мероси ҳам тобора эъзоз топаётгани, адолатли давлат арбобининг ўлмас қасоси ёш авлодни

ватанпарварлик ва миллий ифтихор руҳида тарбиялашда муҳим маърифий дарслик бўлаётганини таъкидлади. Миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш Соҳибқирон Амир Темури меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш билан чамбарчас bogliq. Бу борада ёш авлод вакиллари фаоллиги ва интилишлари фойда муҳим. Зеро, Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда ҳар бир юрtdошимиз қалбида буюк аждодимизга муносиб ворис бўлиш истаги яна бир бор ўз ифодасини топаётгани шубҳасиз.

Амир Темури шахсига қизиқиш халқро майдонда ҳам тобора ортти бормоқда. Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, босиб ўтган шонли ҳаёт йўли, давлат арбоби, мумтоз саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида Европа ва Шарқ мамлакатларида Темури ва Темурийлар даврига бағишланган 1500 га яқин асарлар яратилди. Бугун мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз учун ҳеч қандай кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жиҳсонан, ақлан ва маънавий юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли иш-хотлар Амир Темури дунёқараш ва туғулганлиги моҳиятдан уйғун. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темури англаш — ўзлигимизни англаш демокдир. Амир Темури улуглаш — тарих қарига чуқур илдиш отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк кела-

жагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демокдир.

Тадбирда “Амир Темурининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни” ва “Ўзбек адабиётида Амир Темури сиймоси” мавзуларида маърузалар тингланди. Ўзтироф этилганидек, Амир Темурининг юртимиз, қолаверса, инсоният тамаддуни раънақига қўшган маданий-маънавий ҳиссаси унинг қудратли давлат барпо эта олганидир. Чунки, давлат қудратли бўлса, бунёдкорлик кенг қўлоч ёйди, аҳоли фаровонлиги юксалади. Темурийлар қўрган мадраса, масжид, хонақоҳ, сарой, бозор, кўприк, бекат, канал ва қалъалар ҳамда бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саногини йўқ, Амир Темурининг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Биби-хоним жоме масжиди, Аҳмад Яссавий, Занги ота макбаралари, Оксарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилқушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баландингарини ўнлаб бетакрор сарой ва боғлар бошқа иншоотлар шулар

Феруза РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши
“Ёшлар қаноти” етакчиси:

— Партиямиз ўз сайловолди Платформасида ёшларда миллий ғурур ва аждодлардан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш, халқимизда миллий ўзликни англаш, қадрият ва аъналаримиз бардавомлигини сақлашни устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, ҳаётга татбиқ этиш борасида кўплаб тарғибот тадбирлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Бу каби тадбирлар ёшларнинг буюк болақонимиз Амир Темурининг илмий-адабий, маънавий мероси, ҳаёти ва ижоди ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, умр мазмунини “миллатнинг дардида дармон бўлишдан иборат” деб билган Соҳибқирон бобомизнинг ибратли ҳаёт йўли биз ёшлар учун чинакам ҳаёт мактаби бўлиши шубҳасиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

халқ вакиллари фаолияти самардорлигида муҳим аҳамият касб этади.

Отабек АШУРАЛИЕВ,
халқ депутатлари Фарғона вилоят
кенгашидаги ЎзМТДП ғуруҳи аъзоси:

— Сайловчилар ишончини қозониш ва электрорат манфаатини ҳимоя қилиш депутатлар зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун, аввало, ишни режалли ва тўғри йўлга қўйиш лозим. Семинар-тренингда ҳуқуқ ва ваколатларимиздан самарали фойдаланиш, депутатлик сўровларини ташкил этиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди. Тадбир давомида депутатлик одобига риоя этиш каби жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Семинар интерфал усулда, кичик ғуруҳларга бўлинган ҳолда амалий ва назарий тарзда олиб борилгани айти мударо бўлди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар, тасаввурлар келгуси фаолиятимизда қўл келиши шубҳасиз.

Тўлқиной ТОЖИЕВА,
халқ депутатлари Фарғона вилоят
кенгашидаги ЎзМТДП ғуруҳи аъзоси:

— Янги таркибда шаклланган партия ғуруҳимиз ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифаларни самарали амалга оширишда партия ташкилоти билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Партия вилоят кенгаши жойларда ташкил этаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда иштирок этиб, аҳолини ўйлантираётган саволларга имкон қадар жавоб қайтарилмоқда. Шунингдек, партия ташкилотларига электроратимиз вакиллари йўлаган мурожаатлар ҳамкорликда қўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Шу йилининг биринчи чораги давомида депутатларимиз аҳоли фаровонлиги ва электрорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган 12 та депутатлик сўровини амалга оширди. Шу кунларда маҳалла гузарларида миллий юнармандлик турларини ривожлантириш, аҳоли, хусусан, аёллар ва ёшларни оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчиликка жалб этиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқаямиз. Буларнинг барчаси ягона мақсад — сайловчи ва электрорат ишончини оқлашга қаратилган.

Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Назорат ва таҳлил

Депутатлар фаолиятидаги ташаббускорлик

партия ва электрорат манфаатлари таъминланишининг муҳим омили

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг муҳим шартини — кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база, кенг имкониятлар яратилди.

Ўтган давр мобайнида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли ошди, қонунлар қабул қилишда уларнинг нуқтаи назарига эътибор кучайди. Бундан ташқари, давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия ғуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди.

Кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш борасидаги ишхотлар замирида давлат сиёсий тузилмасида вакиллик ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш мақсади муҳимасам. Ёнг муҳими, ҳам Қонунчилик палатаси, ҳам халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар доирасида демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий, партиялараро соғлом рақобатни янада кучайтириш учун қўшимча шароитлар, рағбатлар яратилди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — кенгашлар олдига турган иккинчи фойда муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир. Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш лозим. Шу мақсадда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидеги партия ғуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси маҳаллий кенгашлардаги партия ғуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия ғуруҳлари олдига ўз ваколатларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Чунки ўтган сайлов натижаларига кўра, ЎзМТДПдан сайланган депутатлар сони анча ошди. Бу эса сайловчиларнинг партия ғоялари ва дастурий мақсадлари ҳаётийлигини эътироф этганидан, партия ташкилотлари ва депутатларимизнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти муносиб баҳоланганидан далолатдир.

Янги таркибдаги партия ғуруҳлари иш бошлаганига уч ойдан ошди. Депутатларнинг 2015 йил биринчи чорадаги фаолияти қоникарлими? Улар сайловчилар билдирган ишончини оқлаш мақсадида қандай ташаббуслар билан чиқишмоқда? Ушбу саволларга жавоб тариқасида маҳаллий кенгашлардаги партия ғуруҳларимизнинг жорий йил биринчи чорақ давомидаги умумий фаолияти, амалга оширган ишларини таҳлил қилсак, бу борада муайян қўрсаткичларга эришилганига ғувоҳ бўламиз. Хусусан, ҳозирда электроратимиз вакиллари депутатларга келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти аввалгидек маиший масалалардан иборат бўлиб қолмай, балки аниқ бир соҳага қаратилмоқда. Бу аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалаётганидан, юрт тақдирига, ўзи яшаб турган ҳудуд раънақига бефарқ эмаслигидан дарак беради. Фуқароларнинг ўз вакилига нисбатан ишонч билан қараб, мурожаат қилаётгани, ўз наъбатда, депутатлардан ҳам масъулият ва ташаббускорликни талаб этади. Бунда улар тегишли ташкилотларга, мансабдор шахсларга депутатлик сўрови қилиш ваколати ва имкониятидан самарали фойдаланишлари зарур. Биринчи чо-

рақда ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан 479 та депутатлик сўрови амалга оширилди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, электроратимиз манфаатлари ҳимоя қилинди.

ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз фаолияти мобайнида депутатлик назорати ваколатидан ҳам самарали фойдаланишга интиломоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорлари ижроси бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар, ижро ҳокимияти органларининг Давлат дастурларини бажариши устидан жойларда 47 маротаба депутатлик назорати амалга оширилди. Шу билан бирга ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудларда 79 нафар мансабдор шахснинг ўз фаолияти ҳамда Давлат дастурлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Биринчи чорақ давомида маҳаллий кенгашлардаги вакилларимиз халқ депутатлари кенгаши доимий комиссиялар йиғилишларига 21 та тақлиф олиб чиқди. Улар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маҳаллий кенгашларда қўлга киритилган депутатлик ўринлари партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан тақлифлар билдириш ҳамда уларни амалга ошириш имкониятини янада кучайтириши шубҳасиз. Партия ғуруҳларининг фаолияти ана шу ваколатларга ҳар томонлама мувофиқ бўлиши, электрорат манфаатлари ҳимоясига қаратилмоғи керак. Шу боис ЎзМТДП ғуруҳлари давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органлари сессияси кун тартибига ташаббус-масала қиритиш ҳуқуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар томонидан биринчи чорақ давомида маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига бир қатор ташаббус-масала қиритилди.

✓ Бир чорақда 479 та депутатлик сўрови амалга оширилди

✓ 79 нафар мансабдор шахснинг ўз фаолиятига доир ҳисоботи тингланди

✓ Партия ғуруҳлари фаолиятида фойдаланилмаётган имкониятлар бисёр

✓ Партия ғуруҳлари ва БПТ ҳамкорлигини йўлга қўйиш — асосий вазифа

Депутатлар фаолиятининг қўрсаткичлари вилоятлар кесимида таҳлил қилинса, бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Самарқанд ва Андижон вилоят кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар самарали фаолият юритгани айёнлашади. Аммо партия ғуруҳлари фаолиятида фойдаланилмаётган имкониятлар, муаммолар ҳам борлигидан қўзғовиб бўлмайди. Хусусан, халқ депутатлари Наманган ва Хоразм вилоят кенгашларидаги партия ғуруҳлари мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, сессияларда партия дастурий мақсадлари ва электрорат манфаатларидан келиб чиқиб масалалар қиритишда сусткашликка йўл қўймоқда.

Депутатлик ғуруҳлари ўз ишини кучайтирса, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва аҳоли ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланади, партия хайрихоҳлари сафи кенгайди. Шу мақсадда ЎзМТДП партия ғуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, депутатлар ва бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга эътибор қаратмоқда. Бойси бошланғич партия ташкилотлари жойларда электроратни ўйлантираётган масалалар, тақлиф-мулоҳазаларни ўрганиб, уларни депутатлар ёхуд партия кенгашларига олиб чиқиш имкониятига эга. Шу маънода партия ғуруҳлари ва қўйи бўғинларнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш асосий вазифаларимиз сирасига қиради.

Бир сўз билан айтганда, халқ вакилларига берилган кенг ваколатлар маҳаллий кенгашлардаги партиямиз ғуруҳларидан ўз имконият ва ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этишни, электрорат манфаатлари йўлида ташаббускор бўлишни талаб этади.



Бекзод СОДИКОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи

Партия ва депутат ҳамкорлиги

Сайловчи ишончини оқлаш

оддий ишлардан бошланади

Бугун сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиши сайловчилар ишончини қозониш, электрорат манфаатларини ҳимоялаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада раънақ топишига ҳисса қўйишига bogliq. Партиялараро кураш ва рақобат ривожланиб бораётган бугунги сиёсий жараёнларда дастурий вазифаларни амалга ошириш депутатлардан ташаббускорлик, фаоллик ва дадилликни талаб этади. ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Депутатлик ғуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги семинар-тренинг ҳам депутатларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан умумли фойдаланишни, партия ғуруҳи зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланди.

Мамлакатимизда кечаётган демократик ишхотлар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия ғуруҳларининг жойларда қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан депутатлик назоратини олиб боришдаги имконияти, масъулияти ва аҳамиятини янада оширмоқда. Худудий вакиллик органларидаги партия ғуруҳлари дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда депутатлик сўровлари, депутатлик назоратини амалга ошириш, сессияларга ташаббус-масала ва доимий комиссиялар мажлисларига тақлифлар қиритишга интиломоқда. Давлат дастурлари ижроси ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш ташаббуси амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга, жойлардаги айрим партия ғуруҳлари фаолиятида юзга келаётган камчиликлар ҳам борки, бунга қўл ҳолларда депутатларнинг ўз ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаслиги, дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириш борасида сусткашликка йўл қўётгани сабаб бўлмоқда.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия ғуруҳлари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими ходимлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ташкил этилган семинар-тренингда айти шу масалалар муҳокама қилинди.

Депутатларнинг фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган “Депутат ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари”, “Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия ғуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси”, “Партия ғуруҳи аъзоларининг депутатлик сўровлари, қонун ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги тарғиботини ташкил этиш ҳамда ижроси бўйича депутатлик назоратини ташкиллаштириш”, “Партия ғуруҳи аъзолари ташаббуси билан халқ депутатлари кенгаши йиғилишларида мансабдор шахсларнинг ҳисоботини тинглаш”, “Халқ депутатлари кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларига ташаббус-масала, тақлифлар олиб чиқиш” каби мавзуларда маърузалар тингланиб, тавсия ва тушунчалар берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, маҳаллий кенгашлардаги партия ғуруҳлари зиммасига катта масъулият ва вазифа юкланган. Аҳоли фаровонлигини янада оширишга қўмақлашиш, ҳудудлардаги мавжуд масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиш, қабул қилинган қонун ва қарорлар ижроси таъминланишини назорат қилиш, депутатлик сўровлари орқали электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш депутатлар фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим. ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда худудий партия ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш

Шиша идиш синиқлари

табиатга миллион йил таъсир қилиши мумкин



Айримлар навбатдаги салқин ичимлик идишсини бўшатиб, дуч келган томонга улоқтирар экан, унинг бутунлай эмирилиб кетиши учун асрлар кераклигини ўйлаб ҳам кўрмаслиги рост.

Мутахассисларнинг аниқлашича, шиша буюмлар оз эмас-кўп эмас, нақ бир миллион йил “яшаркан”. Чунки улар кварц кумидан ясалди ва турли таъсирларга чидамли бўлади. Бу биздан кейинги авлодлар ҳам бундай идишни ҳатто ичидаги ичимлиги билан топиб олиши мумкин дегани. Елимли халта ва идишлар эса 500 йилдан минг йилгача “умр кўради”. Одатда бундай кўринишдаги чиқиндилар микроорганизмлар таъсирида парчаланмайди, шу сабабли узок сақланади. Ёки бўлмаса, таркибид токсик ва ацетат целлюлоза моддаси бўлган папирос қолдиги 1 йилдан 5 йилгача ўзгармасдан туради.

Бугунги кунда дунё микёсида чиқиндиларнинг фақат 2 фоизи қайта ишланяпти. Бир қисми ёндириб юборилса, қолгани махсус жойларда қўйилади. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг саккиз юздан ортиқ тури қайд этилган. Уларнинг сони келгусида янада ортиши мумкин. Бугун дунё шаҳарларида истиқомат қилувчи бир фуқарога йилга ўртача 500-800 килограмм чиқинди тўғри келмоқда. Дунёнинг деярли барча мамлакатидо қаттиқ маиший чиқиндилар ҳар йили аҳоли жон бошига 1 фозизга ошмоқда.

Ақсарият мамлакатларда, чиқиндиларни тўплаш ва йўқ қилиш жиддий муаммога айланганига қарамай, айрим ривожланган давлатларда унинг ечими устидо фаол иш олиб борилмоқда. Чиқиндиларни қайта ишлаш борасида янги технологиялар жалб қилинмоқда. Аҳоли экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган турли ижтимоий лойиҳалар амалга ошириляптир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, маиший чиқиндилар бутун дунёда арзон хомашё ҳисобланади. Ривожланган давлатлар таърибаси унинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Европада чиқиндиларни ажратиш амалиёти ўтган асрнинг 80-йилларида йўлга қўйила бошланди. Германия бу борада етакчи мамлакатлардан саналади. Бу ерда чиқиндиларни тўплайдиган ва қайта ишлайдиган алоҳида саноат тармоғи мавжуд. Чиқиндиларни ташини, йиғиши, ортиши, ташлаш ва саралаш тизимли равишда амалга оширилади. Бу жараёни махсус харбийлашган хизмат ходимлари назорат қилишди. Немис халқининг бу соҳадаги ютуғи уларнинг азалдан атроф-му-

ҳитга нисбатан оқилона муносабатда бўлиши, экологик муҳофаза ва инсон саломатлиғи масаласига жиддий аҳамият беришидодир. Мисол учун, ҳатто пластик идишларга нисбатан ҳам немисларда ўзига хос ёндашув бор. Пластик чиқиндиларнинг экологияга зарарини яхши англаган супермаркет эгаларининг ақсарияти ўзларининг дўконларига пластик идишларни қабул қилувчи автоматик курилма ўрнатган. Ҳар бир харидор супермаркетга ўзи билан ана шундай идишларни олиб келиб, аппаратга топшириши мумкин. Ҳар бир топширилган идиш эвазига харидорга 0,25 евролик чек берилади. Ўн идиш — 2,5 евро демакдир. Ана шу чек орқали харидор магазиндан ўзи истаган махсулотни бемалол харид қилиши мумкин.

Нидерландияда эса чиқиндиларни саралаш дастурида фаол иштирок этганларга коммунал тўловларни тўлашда имтиёзлар берилади.

Японияда рўзгор чиқиндиларини тозалаш саралайдиган махсус технология ишлаб чиқилган. Қишлоқ жойларида ва хусусий секторда чиқиндиларни саралайдиган ана шундай механизмлардан фойдаланилади. Электрон техника воситаларини ишлаб чиқарадиган фирмалар ўз чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга мажбур. Японияда қайта ишланган чиқиндилардан қурилиш ишларида ҳам фойдаланилади.

Швейцарияда фуқаролар ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар чиқиндиларни саралашга мажбур: ойнани ойнага, қоғозни қоғозга, металлни металлга. Бу тартиб қонун воситасида назорат қилинади. Қонунни бузган жазимага тортилади. Қонун ижросини махсус харбийлашган хизмат ходимлари назорат қиладди. Ҳатто, ойнадан ташлаб юборилган сигарет қолдиги ҳам улар эътиборидан четда қолмайди. Фуқаро бу ҳатти-ҳаракати учун суд олдида жавоб бериши ҳам мумкин. Қонунга итоаткор швейцариялик фуқаролар олдида яна бир мажбурият — сараланган чиқиндиларни қабул пунктларига етказиб бериш вазифаси ҳам бор. У ердан чиқиндилар қайта ишлаш корхоналарига жўнатилади. Бунинг учун пул тўланмайди, албатта. Бироқ фуқаролар бу билан шаҳар озодалиғи ва мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўишди.

Бугун Швейцарияда қайта ишлаш корхоналарига фойдаланилган шиша идишларнинг 90 фоизи, босма махсулотларнинг деярли ўчдан бир қисми етказилади. Эски электрон жиҳозлар, маиший техника воситалари, қурилиш чиқиндилари қатори батареяда, ёки тирик организмлар учун хавфли саналадиган реагентлар ҳам чиқиндиҳонага ташланмайди. Шиша идишлар, қундалик лампалар, консерва банкалари

алоҳида йиғилади. Ҳатто, чой қадогини қаерга ташлаш борасида махсус йўриқнома мавжуд: этикетка — картонга, пакет — қоғозга, скрепка — металл идишга йиғилади. Мамлакатда бундай қатъий тартибнинг ўрнатилиши ўтган асрнинг 80-йилларида катта миқдорда чиқинди тўпланиши оқибатида экологик вазият танг ахволга келиб қолгани билан боғлиқ. Нисбатан кичик ҳудудга эга мамлакатда чиқиндиларни ташлаш учун кенг майдон керак эди. Шу боис ана шундай экологик сиёсатга эҳтиёж сезилган. Натижада, бугунги кунга келиб Швейцария дунёнинг экологияси энг тоза мамлакатларидан бирига айланди.

Буюк Британия аҳолисининг фикрича, рўзгор чиқиндиси масаласи иқлим ўзгаришидан кейинги энг долзарб муаммога айланган. Мамлакатда мунтазам равишда аҳолини рўзгор чиқиндиларини селектив йиғиш жараёнига жалб этишга бағишланган кампания ва лойиҳалар амалга оширилади. Ана шундай лойиҳалардан бири “Боғлар учун чиқиндиларни қайта ишлаш” деб номланади. Унинг натижасида альюминий чиқиндилар (асосан пиво ва кока-кола идишлари)ни қайта ишлашдан тушган маблаглар эвазига ҳар йили 35 минг туп дархат экилади.

Австралияда пиёдалар йўлакчаларида на сигарет қолдиги, на бир қоғозга кўзингиз тушади. Жойларга ҳар бир чиқинди учун турли рангдаги қутилар ўрнатишган: қизил рангисидо одатий чиқиндиларга, сариғи қоғоз ва шиша буюмларига, яшил қути ўсимликларга, кўк рангдигиси эса тиббиёт чиқиндиларига мўлжалланган.

АҚШда чиқиндиларни қайта ишловчи 550 дан зиёд завод бор. Улар учун кунига 75 минг тонна чиқинди етказилади. Мамлакатнинг ақсарият шаҳар аҳолиси чиқиндиларни ўзлари саралайди. Сўнгги йилларда бу вазифани заводлар ўз зиммасига олмақда. Аҳоли чиқиндиларнинг талабга жавоб берадиган қисмини топширади. Мамлакатда чиқинди ёқиладиган тўқсонга яқин иссиқлик электр станцияси фалият кўрсатаёттир. Бироқ улар сони тобора камайиб бораётгани ҳам сир эмас. Бунга глобал исмишга қарши олиб бориляётган чоратдбирлар сабаб бўлмоқда. АҚШда сўнгги ўн йилда чиқиндиларни қайта ишлаш борасида ўзига хос усул жорий қилинди. Бу камҳарж қадоклар ҳамда махсулотлардан бир неча марта фойдаланишга қаратилган — минималлаштириш усулидир. Дастур — Reduce, Reuse and Recycle (Истеъмолни қамайтириш. Қайта фойдаланиш. Қайта ишлаш) деб номланади. Федераль органлар мазкур дастур учун ҳар йили 35 миллион доллар ажратмоқда. Мамлакатда чиқинди йиғилладиган майдонлар сони ҳам йилдан-йилга камаймоқда. Бунга рақамлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин: 1988 йилда улар 7,9 мингтани ташкил қилган бўлса, 1994 йилда 3,6 минг, 2005 йилда эса 1,6 мингга қисқарди.

Бугунги кунда Россияда утилизация қилинмаган ўттиз миллиард тоннадан зиёд чиқинди мавжуд. Бу кўрсаткич ҳар йили 60 миллион тоннага ошмоқда. Мамлакат табиат ресурслари вазирлигининг маълумотларига қараганда, бу ерда бир фуқарога йилга тўрт юз килограмм чиқинди тўғри келмоқда. Чиқиндиларни қайта ишлаш бозоридо етакчилиқ қиляётган “Ростехнологиялар” давлат корпорацияси маълумотларига қараганда, мамлакатда қўмиб ташланаётган чиқиндиларнинг 40 фоизи қайта ишлашга яроқли. Бироқ маиший чиқиндиларининг тахминан 7-8 фоизи қайта ишланади, холос. Қолгани эса полигонларга юборилади. Тахлиллар мазкур мамлакатда чиқиндини қайта ишлаш саноатини

Халқаро ҳаёт



ривожлантириш орқали 2-3,5 миллиард доллар даромад олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бугун дунё чиқинди бозори 120 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Мавзуни мамлакатимиз микёсида олиб қарасак, сўнгги йилларда республикаимизда йилга 100 миллион тонна чиқинди ҳосил бўлмоқда. Унинг 35 миллион тоннаси маиший чиқиндилар бўлиб, улар шаҳар ва қишлоқ чиқиндиҳоналарига жойлаштирилмоқда. Шундан утилизация қилинадиган чиқиндилар 2 фоизни ташкил этади. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда чиқиндиларга оид экологик сиёсат юритиш мақсадида 2002 йилда “Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилинган. Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Қонуннинг асосий вазифаси чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда чиқиндилар ҳосил бўлишини қамайтиришдан иборатдир.

Юртимизда чиқиндини қайта ишлаш борасида самарали ишлаш амалга ошириляптир. Биргина Тошкент шина тиклаш заводида 1,5 минг тонна чиқинди қайта ишланади. Завод замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Корхонада қайта ишланаётган шиналардан олинаётган каучукдан бир неча хил резина махсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Қайта ишлаш жараёнида ажратилаётган сым “Ўзметкомбинат” очик акциядорлик жамиятига топширилмоқда. Тайёрланган товарлар шартнома асосида “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзавтосаноат” компанияларига ва бошқа корхоналарга етказиб беришмоқда.

Бухоро шаҳридаги “Махсусавтоҳўжалик” корхонаси чиқиндиларни саралайдиган ва қайта ишлайдиган заводни ишга туширишни режалаштирган. Ҳозир корхонада 10 та икти-сослашган “ISUZU” машинаси ва 3 та самосвал бор, ҳар ой 37 нафар ходим махсус техникалар ёрдамида 65 маҳалладан минглаб тонна чиқинди олиб чиқади.

Бугунги кунда дунё микёсида тобора кенгайиб бораётган чиқинди уюмлари инсониятни фикрлаш, уни бартараф этиш чора-тадбирларини излаш ва топишга мажбур қиляптир. Вазиятдан чиқиб кетиш йўллари бор бўлса қандай?

Мутахассисларнинг фикрича, мавжуд муаммони махсулотларни эҳтиёждан ортиқ ишлаб чиқармаслик, парчаланиши осон, безарар, табиий қадоклардан фойдаланиш, чиқиндини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали ечиш мумкин. Чиқиндиларни қайта ишлаш нафақат табиий ресурсларни иқтисод қилиш, балки атроф-муҳитга ортиқча чиқинди чиқишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусофоллигини сақлаш борасида ҳар биримизда масъулият ва эҳтиёткорлик ҳиссининг шаклланиши ҳам ана табиатни асраш учун катта ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Тарнадо яна ҳаракатда

Ундан бу гал кўпроқ Иллинойс (АҚШ) штати жабр кўрди.

Икки нафар одам

табиий офат қурбонига айланди. Қўюн ўз йўлида учраган уйлар ва дарахтларни кўпориб ташлади. Оқибатда кўплаб аҳоли турар жойидан айрилди.



Чикаго шаҳридан 130 километр узоқликда жойлашган Фейрдейл шаҳарчасида эса 20 дан зиёд уйлар вайронага айланган, етти нафар одам жароҳатланган. Қутқарувчилар қидирув ишларини давом эттирмоқда. Қурбонлар сони яна ошиши мумкин.

Торнадо иккига бўлиниб Техас, Луизиана, Арканзас, Миссури, Теннесси, Миссисипи, Кентукки, Индиана штатлари ҳудудидан ҳам айланиб ўтган. Чикаго халқаро аэропортида 700 рейс қолдирилиб, айримлари бекор қилинди.

Мамлакат — чанг-тўзон “оғушида”

Англиянинг жанубий ҳудудларини чанг-тўзон қоплаши оқибатида экологик вазият танг ахволда қолди.



Маълум қилишларича, Шимолий Африкадан кўтарилган қучли шамол оқибатида Сахрои Кабир қумлари Англиянинг жанубий ҳудудларига-ча етиб келган ва қучли атмосфера босими таъсирида чанг-тўзон кўтарилган. Бундан ёши катта одамлар ва болалар, айниқса, астма, аллергия ҳамда юрак қон-томир касаллиғи билан оғриган беморлар кўпроқ жабр кўрмоқда.

Буюк Британияда ҳозирда астма касаллиғига чалинган беш миллиондан зиёд бемор бор. Астмага чалинганларга ёрдам кўрсатиш хизмати бошлиғи Коллет Харриснинг айтишича, ҳавонинг ифлосланиши уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Энг тез ишловчи компьютер

АҚШнинг энергетика вазирлиғи дунёдаги энг тез ишлайдиган компьютерни тайёрлаш учун 200 миллион доллар ажратади.

“Auroga” номли


суперкомпьютерни тайёрлаш Чикаго шаҳри (Иллинойс штати)дан 40 чакирим узоқликда жойлашган Агрон миллий лабораторияси зиммасига юкланади. Янги ускуна ҳозирги энг замонавий компьютердан 5-7 марта тез ишлайди. Келгусида янада мукамал аккумулятор, қуёш панеллари ва батареяларини ишлаб чиқишда, биологик тадқиқотлар, қайта тикланувчи энергия манбааларини излаб топишда ана шу компьютердан фойдаланилади.

Компьютерни 2019 йилга қадар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.



Рангин дунё

АҚШнинг Калифорния штатида 3080 квадрат километр майдонни эгаллаган Йосемити миллий боғ-қўриқхонаси баланд қояли тоғлари, шаршаралари, шилол сувлари билан дунёга машҳур. Йосемити водийси эса боғ-қўриқхона ҳудудининг бир қисмини эгаллаган бўлиб, Сьерра-Невада тоғ тизмасининг қоқ марказида жойлашган. Бу ернинг хушманзара жойлари ниҳоятда кўп. Айниқса, баланд қоялардан сизиб чиқадиган салобатли шаршаралар киши эътиборини тартади. Нисбатан кичик ҳудудда бу қадар кўп баланд шаршараларга эга жойни дунёнинг бошқа еридан топиш амри маҳол.



Дарҳақиқат, бу ернинг шаршаралари ўзининг гўзаллиғи, бетакорлиғи билан сайёҳларни мафтун этади. Улар шаршараларни нафақат суратга олиши, балки унда чўмилиши, шаршара юқорисидо туриб фусункор табиат гўзаллиғидан завқ олиши ҳам мумкин. Айниқса, баҳорда уларни кузатиш кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди. Сабаби, тоғ чўққиларида қорлар эриши билан улар тўлиб-тошиб оқади. Бу ерда қор май ва июнь ойларида тўлиқ эриб кетади. Август ойига келиб шаршаралар, ҳатто, қўриқхонадаги энг йирик Йосемити шаршарасининг суви ҳам камайиб қолади. Батзи шаршаралар эса бутунлай қурибди. Кузнинг сўнгги ойда қучли ёмғир ёғиши

туфайли шаршараларга яна “жон” қиради. Қиш давомида эса шаршаралар суви музлаб қолади. Йосемитининг Сьерра Пойнт майдончасидан туриб бир вақтнинг ўзидо барча шаршарани кузатиш мумкин. Риббон ва Юкори Йосемити нафақат қўриқхонадаги, балки дунёдаги энг баланд шаршаралардан саналади. Брайделвейл, Йосемити ва Вернал эса дунёдаги машҳур шаршаралар қаторидан ўрин олган.

Сайёҳлар миллий боққа кириши билан томоша қиладиган биринчи шаршара — Брайделвейл деб номланади. У боғ-қўриқхонадаги энг чиройли шаршаралардан ҳисобланади. Уни томоша қилиш учун ҳар йили миллионлаб сайёҳлар ташриф буюради. Шаршара баландлиғи 188 метр,

суви 16 километр узоқликда жойлашган Острандер қўлидан келади.

Бу ерда боғ-қўриқхона номи билан юритиладиган Шимолий Американиннг энг баланд шаршараларидан бири — Йосемити ҳам жойлашган (739 метр). Шаршара сайёҳларни йил бўйи ўзига жалб қилиб келмоқда. Унинг яқинида Йосемити миллий боғи асосчиси Гален Кларкиннинг қабри жойлашган.

Боғ ҳудудидоги яна бир ўзига хос шаршара “От думи” (Horsetail Falls), деб номланади. Чунки унинг суви баланд қоя бағриддан худди от думи кўринишида тушади. Шаршара мавсумий бўлиб, сув фақат қиш ва эрта баҳорда оқади. Февраль ойда ботаётган қуёш нури таъсирида шаршара тўқ қизил рангда товланади.

Таниқли фотограф ва альпинист Гален Роувел “От думи”ни тўқ қизил рангга кирган пайтида суратга муҳрлаб, матбуотда эълон қиладди. Шундан кейин уни кўришга бўлган қизиқ кескин ошади. Бундай чинакам гўзаллиқни ўз кўзи билан кўриш илинжида келувчи сайёҳларнинг қадами узилямапти.

Қўриқхонадаги Вернал шаршарасининг суви жазирама ёзнинг сўнгги ойларига келиб камайиб қолса-да, қуримайди. Сувнинг тушиш баландлиғи 97 метрни ташкил этади. Шаршарага Туманли тепалиғи бўйлаб бориш мумкин. Бу миллий қўриқхона ҳудудидоги энг машҳур адирликлардан саналади. Баҳорнинг охири ва ёзнинг бошланишида шаршара тўлиб-тошади. Унинг энг баланд нуқ-

тасигача кўтарилиб бориш мумкин. Бу ерда эса Эмеральда сув омбори жойлашган. Сайёҳлар мароқли дам олишлари, баъзи тақиқларга қарамай, сув ҳавзасида чўмилишлари ҳам мумкин.

Иллилоуитти шаршараси эса Вернал шаршараси қарама-қаршисидо жойлашган. У боғ-қўриқхонадаги сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган Йосемити водийси ҳамда Глейшер Пойнт майдонидан анча панада жойлашган. Шу боис шаршарага сайёҳлар қолган жойларга нисбатан камроқ ташриф буюради. Чунки унинг гўзаллиғидан баҳра олиш учун Глейшер Пойнт майдони бўйлаб уч километрдан кўпроқ масофани пиёда босиб ўтиш керак бўлади.

Боғ-қўриқхонада АҚШ штатларидан бирининг номи билан аталувчи Невада шаршараси ҳам бор. Шаршаранинг тушиш жойида сув туманини кузатиш мумкин. Шаршара 181 метр баландликдаги Мерсед дарёси сувидан ҳосил бўлади. Бу дарё эса Йосемити миллий боғидаги энг баланд Лайелл тоғининг (3997 метр) қор ва музлари эриши ҳисобига пайдо бўлади.

Йосемитида яна Риббон, Туиала, Силвер Стренд сингари шаршаралар ҳам бор.

Жонли табиат ва экологик муҳит барқарорлигини сақлаш мақсадида Йосемити боғ-қўриқхонаси 1984 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилган.

Ранглардаги тарих сабоғи

Кечаги кун — биз учун сабоқ. Бу тарихий хотиранинг нақадар кучли восита эканига далил. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган "Бизнинг мерос" туркумида "Ўзбекистоннинг тарихи ва қадриятлари" туркумида "Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Кўргазмада ўтган асрнинг 30-70-йилларида яшаб ижод қилган устоз мусаввирларнинг ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Улар орасида Павел Бенъков, Абдулҳақ Абдуллаев, Урол Тансиқбоев, Владимир Бурмакин, Лутфулла Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев, Нейматилла Кўзибоев каби кўплаб моҳир устоз-мусаввирларнинг ижод маҳсуллари кўриш мумкин. Уларда мамлакатимизнинг бой ва бетакрор табиати, турар жойлар, кўчалар, турли касб эгаларининг меҳнат жараёни, турмуш тарзи, маданият арбоблари, беғубор болалик тасвирлари ўз аксини топган.

— Бу кўргазмадан ўрин олган асарлар мангуликка дахлдор, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси академиги Собир Раҳматов. — Чунки уларда халқимизнинг яқин ўтмиши, миллий қадриятлари, реал ҳаёт тарзи, давр руҳи, халқимизнинг орзу-интилишлари ўз ифодасини топган. Бу каби кўргазмалар ёшлар қалбида тасвирий санъатга меҳр уйғотишга, қолаверса, тарихни янада тўлиқроқ ўрганишида муҳим рол ўйнайди.

Кўргазманинг очилиш маросимида рассомлар, санъатшунослар, тасвирий санъат ихлосмандлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йил давомида шу каби яна қатор кўргазмалар ташкил этиш режалаштирилган.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Табиат

Ўзбекистон бой табиий ресурслар, бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот оламига эга. Ушбу салоҳиятини асраш ва кўпайтириш мақсадида кўлаб миллий дастур ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида экотуризмни ривожлантириш мақсадида кенг қўлланма сайёҳаракатлар олиб борилмоқда.

Жиззах вилояти ҳам ўзининг бетакрор табиати, қадимий обидалари билан барчада катта таассурот қолдиради. Мамлакатимизда 500 кўл мавжуд бўлса, улар орасида энг йириги Тўзкон, Арнасой ва Айдарқўлдан таркиб топган Айдар-Арнасой кўллари тизимидир. Марказий Осиёдаги энг катта мазкур сув ҳавзасининг узунлиги 350, эни 45 километрни, чуқурлиги эса 45 метрни ташкил этади.

Айдар-Арнасой кўллари тизими минтақамизда биохимла-хилликни асраш, ҳайвонот ва наботот турларини сақлаш, ноёб кушларни кўпайтиришда беқиёс аҳамиятга эга.

Ушбу кўл қирғоқларида саксон, юлғун ва чўл ўсимликлари бир-бирига тутшиб кетган. Қўнлар исиган сайин қўшлар шовқин-сурони авж олиб, олис-олисларга садо беради. Бақлан, қорабўзов,

Мозийдан садо

Тарих ва бугун

Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадий музей кўриқхонасида ўз аксини топган

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз музейлари халқимиз тарихи, маданияти, санъати ва қадриятлари ҳолисона акс этган маънавият масканига айланди. Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилмоқда.




Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадий музей-кўриқхонасини юртимизнинг олис тарихи, Самарқанд воқасининг бугуни ва ўтмиши жо бўлган ана шундай маърифат масканларидан бири, деб айтиш мумкин. Музей — кўриқхона таркибига 8 музей, 6 тарихий обиди ва иккита зиёратгоҳ кириди. Унинг захирасида 3 мингга яқин бебаҳо осори-атикалар, археология, нумизматика, этнография, тасвирий санъат намуналари ва ҳужжатлар ўрин олган. Узоқ ва яқин ўтмишдан дарак берувчи бу бойликларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш музей фаолиятининг асосини ташкил этади.

Музей экспонатларини кузатиб экансиз, қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд бутун бўй басти билан кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Музейнинг биринчи бўлимида фото-кўргазмалар ўрин олган бўлиб, бугунги кунда вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қадимий шаҳарнинг яшариб бораётган кўринишлари акс эттирилган. Улар "Самарқанд: кеча ва бугун", "Обод шаҳар — фаровон ҳаёт", "Буюк мамлакатнинг соғлом болалари", "Табиат мусаввир нигоҳида", "Аёллар гўзаллик тимсоли", "Жонажон диёр" каби фотолархаларда ифодаланган. Бу залда вилоят рассомлари ва фотомухбирларнинг асарлари кўргазмалари ташкил этиб борилади.

Музейнинг иккинчи бўлимида тарихимиз, халқимизнинг бой маданий ҳамда интеллектуал мероси ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар жой олган. Қадим давр маданияти, ўзбек



ёзувининг пайдо бўлиши борасидаги турли манба ва адабиётлар, қадимдан ҳозиргача металлдан ясалган буюмларни "Ўзбекистонда металл бадий ишлов бериш санъати" бўлимида кўриш мумкин. Мустақиллик экспозициясида Самарқанддаги йирик бунёдкорлик ишларининг макетлари ўрин олган. Уларда тарих ва бугунги кун яхлит композицияни ҳосил этган.

Шаҳарнинг тарихий маркази 2001 йилнинг декабрь ойида "Самарқанд маданият чорраҳаси" номинациясида ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилиб, 2004 йилнинг 25 августиди Самарқанд вилояти ҳокимлигига ташкилотнинг махсус сертификати топширилди.

Кичиллик жамиятининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиши тўғрисидаги илмий биллиmlарнинг дастлабки манбалари, тарихий ёдгорликлар коллекцияларини тўплаш, уларни амалдаги мавжуд йўриқнома ва услубий қўлланмалар талабига мувофиқ ҳужжатлаштириш, тадқиқотлар олиб бориш, қайта таъмирлаш ва илмий асосда ўрганишда жаҳон фани ютуқларидан фойдаланилмоқда. Бу эса музей фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйишда муҳим ўрин тутди. Самарқанд шаҳрига кўрқ бағишлаб турган музейнинг аҳамиятли томони экспонатлар ҳар олти ойда вилоятдаги бошқа музейлар экспонати билан ўзгартириб борилади. Ҳамкорлик йўли билан юртимиз тарихи ва бугуни, халқимизнинг маданий ёдгорликлари ва асрлар давомида олиб борган яратувчанлик ишлари кўрсатиб берилмоқда. Шунингдек, бу ерда 1105 археологик, 669 меъморий, 27 монументал ёдгорлик, 39 меъморий лавҳада Самарқанд вилоятининг диққатга сазовор жойлари акс эттирилган.

"Амалий санъат" бўлимида қўлигул усталарнинг қадимий аъналар асосида тайёрлаган асарлар, XIX-XХ асрларга тааллуқли ранг-баранг нақшларга гувоҳ бўлиш мумкин. Самарқанд кулollarи ясаган лаган, коса, кўза ва ҳумлар музей фондига ўзгача руҳ бағишлайди. Бўлимдаги халқ амалий санъати турларидан ёғоч ўймакорлиги, кашта, сўзана, наққошлик, миниатюра, зардўз-



лик, ўзбек гиламлари кўргазмага мунтазам қўйиб келинмоқда.

Самарқандга келаётган сайёҳларга сифатли сервис хизмати кўрсатиш, уларнинг ҳар бир кун мазмуни ва таассуротларга бой ўтиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш музей ходимларининг доимий эътиборида. Бунга музейга келган меҳмонларнинг фикрларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Жумладан, Уфа давлат университети санъатшунослик кафедраси мудири Георг Панкратов "Гиламчиликдаги бетакрор нақшлар ва улардаги шакллар — гуллар ва ранглар инсон ақлини шоширади" деса, франциялик санъатшунос Жон Марре "Ўзбек заргарлигининг ранг-баранглиги, улардаги гўзаллик боис уста маҳоратига қойил қоласиз", дейди. Яна бир франциялик меҳмон Фран Грени "Мустақиллик экспозициясидаги санъат ва меъморчилик, барча соҳадаги ривожланиш мамлакатингиз ва халқингиз келажагига ҳавас уйғотади", дея таъкидлайди.

Ёш авлодни ватанпарварлик, халқимиз тарихи ва буюк аждодларимиз мероси билан фахрланиш руҳида тарбиялашга қўмаклашиш музейларнинг муҳим вазифаларидан бири. Бу эса ёшларни маданий, тарихий ва бадий меросимиз, қадриятларимиз, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва аънаалари, санъат асарлари билан таништириш, уларда Ватанга садоқат туйғусини қалтиришга ёрдам бераётди. Шу сабаб болалар ва уларнинг ота-оналари учун "Музейлар ҳафталиги" ўтказиб келинмоқда.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ходимлари музей лабораториясини ташкил этишда илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Музейда Гид-экскурсоводлар тайёрлаш маркази мутахассис ва бўлажак таржимонлар учун маърузалар ва турли амалий экскурсиялар ташкил этиб келмоқда. Яна бир аҳамиятли жиҳати — музей бошқарувини ёшлар олиб боришади. Уларнинг янги-ча ташаббус-изланишлари билан музей янада такомиллашмоқда.

Музейнинг бир қатор ёш мутахассислари хорижда ўтказилаётган кўргазма ҳамда илмий конференцияларда ҳам мунтазам иштирок этиб, мамлакатимиз тарихи, маданий меросини кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Ўтган йилда музей ходимлари Хитойдаги "Буюк Ипак йўли — Ўзбекистон — Хитой алоқалари" номли, Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Музейларда янги ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилиш" конференцияларида муносиб иштирок этишди. Буларнинг барчаси музей ходимларини янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга илҳомлантирмоқда.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадий музей-кўриқхонаси бўлим мудири

ўзини айбдор ҳис эта бошлайди. Кейин овини чала қолдириб, ортига қайтади. Шу-шу дарё ва ҳавза бўйларида бошқа йўламайдиган бўлади.

Субҳидамда оққушлар галасининг қанот қоқиб парвоз қилиши теварак-атрофга янада жозиба бағишлайди. Ҳар тонг қуёш бўй кўрсатгач, қамалакдек товланиб ёрқинроқ жилваланадиган оққушларнинг чанқоқ кўзлари ички сезги туйғулари билан уйғунлашиб, мақсад сари аниқ ҳаракат қилади. Авлодини боқиб ўқиб кўришда кўзларини кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Партия томонидан амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар ҳудудларимизни янада обод масканга айлантириш баробарида сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилади.

Карима СИДДИҚОВА, Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, халқ таълим аълочиси

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қатик асабни мустаҳкамлайди

Замбуруғли ачиткилар, нордон сирка бактериялари ҳамда сутли таёқчалар каби фойдали микроорганизмларга бой қатик барчага бирдек ёқимли. Унинг таркибиди оқсил, минерал туз ва витаминлар мавжуд. Қатик осон ҳазм бўлиб, қонга тез сўрилади.



Ёш болаларда кўп учрайдиган ич кетиши ва дисбактериозни даволашда ҳам ундан фойдаланиш мумкин. Олимлар узоқ изланишлардан кейин инсон танаси қаришининг сабабларидан бирини аниқлашди: танамиз ҳамиша токсинларга қарши курашадиган ва шу жараёнда ингичка ичкада микроблар кўпаяди. Қатик эса сутли нордон замбуруғ, лактоацилл ва бифидобактериялар ёрдамида ушбу захарли микробларни меъёрга келтириб туради.

Антибиотик билан даволангандан кейин қатик ичилса, ичакнинг микрофлораси яхшиланади. Шу билан бирга, у иммун тизимини мустаҳкамлайди, руҳий зўриқиш ҳамда уйқусизликнинг олдини олишда асосий восита ҳисобланади. Айниқса, ёзининг иссиқ кунларида муздек қатик ичиш танага роҳат бағишлайди: чанқоқни босади, иштаҳа очади, асабни тинчлантиради. Таркибидида фосфор чарчокларни ёзади, мушакларга қувват бағишлайди.

Янги ивиган қатикни ичиш қони фойда. Чунки бир кун ўтса ҳам, унинг таркиби ўзгаради. Ёғлилик даражаси қанча юқори бўлса, соғлиқ учун шунча фойдали. Уйқуга ётишдан олдин бир пиёла қатик ёки сут ичган одам тинч ухлайди. Доимий равишда қатик ичиб юриш саратон касаллигининг олдини олар экан.

Болаларда учрайдиган айрим юқумли касалликларнинг олдини олиш, раҳит, камқонлиқни даволашда, аллергик касалликларда, шамоллаганда ва иштаҳа йўқолганида қатик ичиш лозим. Қадимда табиблар ошқозон-ичак, жигар, буйрак ва бошқа хасталикларга доимий парҳез сифатида қатик зардобини тавсия қилишган. Жигилдон қайнашининг олдини олишда ҳам зардоб фойдалидир. Зардобдан тайёрланган қуртоба қон босимини пайсантиради, иштаҳани очади, сафрони ҳайдайди, чанқоқни қондиради, тумов, йўтални даволайди.

Аммо унутманг, жигари касалланган, оғир турдаги ошқозон хасталиги бўлган ва овқатдан захарланган беморлар сут-қатик махсулотларини фақат шифокор руҳсати билан ичиши лозим.

БИЛАСИЗМИ?

- Скрипка — 70 турдаги ёғоч қисмлардан ишланади.
- Биринчи тиш ювиш чўткаси 1498 йилда Хитойда тайёрланган.
- Чумолилар ҳеч қачон ухламайди.

ТУРФА ОЛАМ

Музда ишловчи робот

Владивосток шаҳрида жойлашган Невельский номидаги университет олимлари Арктикани тадқиқ этишга мўлжалланган учар робот яратди.

Ушбу лойиҳа устида профессор Олег Букин раҳбарлигида талабалардан иборат катта жамоа иш олиб борди. Роботнинг квадрокоптер ускунаси (паррак) махсус буюртма асосида тайёрланган бўлиб, паст ҳароратли об-ҳаво шароитига чидамлидир. Робот соатига 40 километр тезлик билан ҳаракатланган ҳолда муз майдонларини тадқиқ этиш имкониятига эга. Ишланма музнинг қайси қисми хавфсиз экани ҳамда Арктика қонларида углеводород олиш жараёнида юзага келадиган — нефть таъсирида ифлосланадиган жойларни аниқлашда ёрдам беради. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион рубль сарфланди. Ҳозирда учар робот синовдан ўтказилмоқда.



Қаҳванинг яна бир хислати

Рур университети олимлари қаҳванинг инсон организмига ижобий таъсир этишини яна бир бор исботлашди.

Бундан аввал ўтказилган тажрибалар қаҳванинг депрессияга қарши курашишда жуда фойдали эканини исботлаганди. Олимларнинг бу сафарги изланишлари қаҳванинг фақат ижобий маънодаги сўзларини излаб топишга таъсир этишини аниқлашди. Бунинг учун руҳшунос Лариса Кухенке бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи 66 кўнгилли устиди синов ўтказди. Истеъмом қилиш учун респондентларнинг бир гуруҳига таркибиди 200 миллиграмм кофеин моддаси бўлган дори, иккинчи гуруҳ иштирокчиларига эса оддий дори берилди. Шундан сўнг иштирокчилардан компьютердан ижобий маънодаги сўзларни қидириб топиш сўралди. Биринчи гуруҳ иккинчи гуруҳ иштирокчиларидан кўра қўйилган топириқни етти фоизга муваффақиятли ва аниқроқ бажарди.

Энг қизиқи, кофеин фақат ижобий маънодаги сўзларни топишга ёрдам беради. Иштирокчилардан компьютерда фақат салбий маъноли сўзларни қидириб топиш вазифаси юкланганида ҳам натижа ўзгармагани ана шундай ҳулосага келинишга сабаб бўлди.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади



ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши партия Хўжабод туман кенгаши раиси Адҳамжон Мадаминовга турмуш ўртоғи

Хонзодагон МАДАМИНОВанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Саноев Азизбек Ҳаёт ўлига Тошкент давлат техника университети томонидан берилган № 0484 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганилиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.